



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 88 (10.393)

2005 ЙИЛ 5 МАЙ

## БУ УЙ МЕНИКИ, БУ ШАҲАР МЕНИКИ, БУ ЮРТ МЕНИКИ

**АГАР ҲАР ҚАЙСИ  
ИНСОН ШУНДАЙ  
ФИКР ВА ҲУР  
НИЯТ БИЛАН  
ЯШАСА БИЗ ЎЗ  
МАҚСАД ВА  
МУДДАОЛАРИМИЗГА  
ЯНАДА ТЕЗРОҚ  
ЭРИШАМИЗ**



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИДА АЙТИЛГАН СЎЗЛАРИНИНГ ЗАМИРИДА КАТТА МАЪНО ЁТАДИ. ЗЕРО, ТОШКЕНТИМИЗ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ПОЙТАХТИ СИФАТИДА ҲУР ВА ОЗОД ВАТАНИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ОСТАНАСИ ҲИСОБЛанаДИ.**

Бугунги кунда пойтахтимиз обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас. Мустиқиллигимиздан сўнг ўтган 14 йил ичида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини санаб адоғига етишимиз қийин. Шаҳримиз кун сайин чирой очиб, ёрқин келажак томон шахдам одим отаётганлиги ҳатто чет элликлар тилидан ҳам тез-тез эшитилиб турибди.

Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт ахлига, ишончим комилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди, - деди жумладан Юртбошимиз ўз ну-

тқида. — Сўнгги бир-икки йил ичида миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб мухташам иморатлар айниқса шаҳримиз кўрқига кўрк қўшиб турибди.

Чинданга бугун шаҳримизнинг қайси гўшасига назар ташламанг, кўзингиз яшил бойликлар олаמידан яшнаб кетади. Айниқса бу борада гап борганда пойтахтимиздаги хушманзара майдон ва мавзелар қатори Эски шаҳар худудидида олиб борилаётган бунёдкор-



лик ва ободончилик ишларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бу албатта, Эски шаҳарликларга кўрсатилаётган навбатдаги гамхўрлик намунасидир.

«Оқшом» газеталари таҳририятига Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Президентимиз томонидан билдирилган таклиф, истак ва мулоҳазалар юзасидан шаҳримизнинг илгор кишилари қатори оддий касб эгалари бўлган мухлисларимиздан ҳам дил сатрлари битилган кўллаб хат-хабарлар келиб турибди. Уларнинг барчасида Юртбошимизнинг шаҳар ободончилиги йўлида жон куйдириб гапирган сўзларига алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга моликдир. Юртдошларимизнинг таҳририятимизга йўллаётган мактубларида ҳам шаҳримизнинг янада кўркам ва обод бўлиши ҳар бир тошкентликнинг энг муқаддас шиориға айланиши керак, деган умум мазмун ётади.

### Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири:

— Пойтахтимиз Тошкент барчамизнинг фаҳримиз ва мамлакатимиз кўркидир. Айтиш жоизки, шаҳримизга бундан 10-15 йил олдин келган одам уни таний олмайди. Нанинги меҳмонлар, балки ўзимиз ҳам баъзан янги мавзелар, янги даҳаларга кириб қолсак адашиб қолишимиз ҳеч гапмас. Маълумки, биз дунёнинг мухташам шаҳарларига доимо ҳавас билан боқиб келганмиш, эндиликда улар бизга ҳавас билан боқса не ажаб. Бу ўзгаришлар

нима сабабдан ва кимнинг раҳнамолигида юз бермоқда? — деб сўрашлари табиийдир. Юртдошларимиз янги биладиларки, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан Тошкент шаҳри мустиқиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Зебро, Юртбошимизнинг таъбирича, Тошкент Мустиқил давлатимизнинг гўзал пойтахти, мамлакатимизнинг юраги, Ватанимизнинг муқаддас остонаси. Яқинда Президентимиз

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқларида жонқуярлик билан шундай деб таъкидладилар: «Тошкент - биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиш ва тамойиллари, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, узок ва яқин келажакка мўлжалланган режалар айнан мана шу ерда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади».

Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг камолоти барчамизга та-

аллуқлидир. Шунингдек, келажак ёшлар кўлида экан, албатта юрт фаровонлиги, ободлиги, бунёдкорлик ишларига ёшларни кўпроқ жалб этиш, бу борада уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини инobatга олган ҳолда янги ғояларни амалда татбиқ этиш зарур бўйлайман. Шу билан бирга истиқлол нуридан баҳра олиб янада жамол очаётган шаҳримиз хамиша обод ва озод бўлиши учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак албатта.

Давоми 2-бетда.

### XXI саҳоси ХАҲР

Барча маилбалардан олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

• Бухорода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси вилоят ҳокимлиги билан биргаликда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»

ги қонунчиликнинг аҳволи ва истиқболлари» мавзусида семинар ўтказди.

• Ўзбекистон Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Миллий истиқлол гоёси: баркарорлик ва тараққиёт омиллари» мавзусидаги доимий Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтмоқда.



#### Жаҳонда

• Европа Иттифоқи маъмурияти бир қатор европалик етакчиларни умумевро-

па Интернет кутубхонасини ташкил қилишни кўллаб-қувватлашга чақирмоқда.

• Америкалик миллионер, физик олим Фред Кавли машҳур Нобель мукофотиға рақобатчилик қилиши мумкин бўлган янги мукофот таъсис этишини маълум қилди.

• Сомалидаги Могадишо стадионида муваққат ҳуқуматни бошқариб турган Бош вазир Али Муҳаммад Годий ўз тарафдорлари олдида чиқиш қилаётган пайтда портлаш юз бериши натижасида камида 10 киши ҳаётдан кўз юмган.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»-ги ПФ-3602-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан ҳамда давлат бошқаруви органлари ўртасида вазифалар, функция ва ваколатлар аниқ белгилаб қўйилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат кўмитасининг номи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси (Давлат мулк кўмитаси) деб ўзгартирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 4 май

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялғи мажлиси 2005 йил 6 май кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

# БУ УЙ МЕНИКИ, БУ ШАҲАР МЕНИКИ, БУ ЮРТ МЕНИКИ



Давоми. Боши 1-бетда.

## Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти:

Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Президентимиз Ислам Каримовнинг нутқлари барча ҳамшаҳарларимиз қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди. Айниқса Юртбошимизнинг Ўзбекистонимизнинг бош шаҳри бўлмиш Тошкентнинг янада обод ва гўзал бўлиши учун барчамиз фидойи бўлишимиз кераклиги ҳақидаги фикрларини жон-дилдан қўллаб-қувватлагим келади.

Мен бугун бир санъаткор сифатида шаҳримизнинг кун сайин обод ва кўркем бўлиб бораётганидан фахр туйғуси билан яшамоқдаман. Албатта, шаҳри азимнинг ободлиги бу бир ёки бир неча кишининг иши эмас. Тошкентимиз қиёфасини янада гўзал кўрмоқчи бўлган шу юрт фарзанди борки, бу хайрли йўлда бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоғи керак. Давлатимиз раҳбарининг: «Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч қимдан кам бўлмасдан яшашни хоҳлаймиз ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор. Ўзбекистон деб аталган шу табарҳул заминга эзгу ният билан бир ниҳол эмокчи бўлсак, уни айни шу бугун экишимиз керак», деган сўзлари ҳаммамиз учун ибрат намунаси бўлиши керак.

Мен ўзим Эски шаҳарликман. Унинг ўтмишидан хабардорман. Албатта Эски шаҳарнинг бугунги ҳолатини ўтмиши билан таққослаб бўлмайди. Шу ўринда бир мисол келтиришни лозим топдим. Биз тошкентликларнинг фахри бўлган собиқ Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театри ҳам Эски шаҳар худудидан ўрин олганди. Пойтахтимизга чет эллардан келган кўпчилик меҳмон борки, бизнинг театримизга келмай кетмасди. Очиги, улар олдида театримизни Академик деб аташга ҳам ийманардик. Хайриятки, Мустақиллик шарофати билан бизга Президентимиз ташаббуси ила том маънодаги кўрса ҳавас қиладиган Миллий театр қуриб берилдики, бугун биз санъаткорлар ўзимизга билдирилган бу эътибордан чексиз миннатдормиз. Ягона истиғимиз Тошкентимиз бундан ҳам гуллаб-яшасин. Унинг ободлиги йўлида барчамиз фидойи бўлайлик.

## Фурқат МАҲМУДХҲҲАЕВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:

Президентимизнинг сессиядаги маърузаларини ҳаракатимиз фаоллари, шаҳримиз ёшлари билан батафсил ўрганиб чиқдик. Ва шундан келиб чиққан ҳолда олти йўналиш бўйича иш режаларини белгиллаб олдик.

«Пойтахтимиз — муқаддас остонамиз» шиори остида шаҳримизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тазалигини таъминлаш бўйича «Энг тоза йўлак», «Энг яхши уй», «Энг тоза хонадон» каби кўрик-танловлари орқали бу ишнинг омаллашишини режалаштирганмиз ва дастлабки натижаларга ҳам эришдик.

«Янги ҳаёт ва ишлаш — давр талаби» йўналиши бўйича «Ишлаб топ» акциясига ёшларни кенг жалб қилиб, уларнинг ёзги таътил вақтида бўш вақтларини унумли ўтказишлари ва моддий томондан қўшимча таъминлашларига ҳисса қўишни кўзламоқдамиз. Бундан ташқари пойтахтимиздаги академик-лицей ва касб-хунар коллежларини битиратган талабаларнинг мутахассислиги бўйича тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда мониторинг ўтказиб, таҳлилларга асосан уларни ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатиш ниятидамыз.

«Ёзи «Камолот» билан» акциясини «Истиклол имкониятларидан оқилона фойдаланиш» шиори остида ўтказишни режалаштирганмиз. Бунда албатта ёшларнинг таътил вақтларини самарали ўтказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, вояга етмаганлар билан узвий алоқани ўрнатиш мақсадида маҳаллаларда турли спорт мусобақаларини ўтказиб, ҳарбий спорт оромгоҳи, тил ўрганиш курсларини ташкил этишимиз. Яқинда ёшлар ўртасида «Азим Тошкент шаҳрини келажакда қандай кўришни истайсиз?» деган сўровнома ўтказилган эди. Икки мингга яқин сўровномалар таҳлиладан маълум бўлдики ёшларимиз пойтахтимизнинг том маънода ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссаларини қўишига тайёрлар. Биз шуларни ҳисобга олиб барча маҳаллаларда буюқ тарихимизни ўрганиш, турли кўргазмалар ташкил қилиш каби қатор йўналишлар бўйича танловлар ўтказиб ёшларнинг турли соҳаларга қизиқишини, билимини оширишга ҳисса қўиши каби мақсадларни кўзлаганмиз.

«Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори» шиори остида «Билим ол» акцияси ўтказилиши режалаштирилган бўлиб бунда абитуриентлар учун «Очиқ эшиклар кунлари»ни ўтказиш, «Ўқишга марҳамат» кўрсатувининг ташкил қилиниши, назаримизда самарали натижа бериши шубҳасиз. Таъкидлаш ўринлики, 12-14 май кунлари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Абитуриентлар сайли»ни ўтказмоқчимиз. Унда албатта мактаб битирувчилари билан бирга коллеж, лицей талабалари ҳам қатнашиб, касб танлаш бўйича маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

«Ёш оила» акциялари «Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги» шиори остида ўтказиб борилиб унинг йўналишидаги тадбирлар орқали хотин-қизлар кўмиталари, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечирган оилалар билан учрашувларни ташкил қилиб, бахтли ҳаёт қуриш, ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби хайрли мақсадлар кўзланди.

## Собит РАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи:

Президентимиз шаҳар Кенгаши сессиясида пойтахтимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб, амалга ошириладиган бундай юмушларда кўзланган асосий мақсад аҳолига фаровон турмуш тарзи билан биргаликда, ҳар томонлама қулай яшаш шариоатларини яратиш эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Ҳақиқатан ҳам шаҳримиздаги бугунги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига таъриф йўқ. Ушбу беқийёлик замирида катта маблағ, заҳматли меҳнат ётибдики, буларнинг барчаси нафақат пойтахтимизни обод этиш, балки ҳамшаҳарларимиз соғлиғи, дам олиши, мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлиши борасида ҳақиқий фамхўрлик намунаси. «Ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдончалар ва фаввораларни кўпайтириш орқали пойтахтимизга замонавий тус бериш, шу тариқа шаҳарда салқин микроклим вужудга келишини таъминлаш, бу тажрибани бошқа вилоят ва шаҳарларимизда кенг қўллаш лозим», деб таъкидладилар Президентимиз.

Энг асосийи эса бунёдкор сифатида шаҳримизда ана шундай яшил худудлар ташкил этишда фаол қатнашаётганимдан фахрланаман ва келгусида бу фарзандларимизни, халқимизни худшуд этишига имоним қомил. Зеро мустақил юртимиз пойтахтига ободлик ярашади.

## Иқтисодиёт

### ЭКСПОРТ КИЛИНМОҚДА

Курилиш объектларини ўзимизда ишлаб чиқарилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашда «STONE» масъуляти чекланган жамиятининг муносиб ҳиссаси бор.

Бугунги кунда 50 нафар гайрат-шижоатли ишчи-хизматчилардан иборат жамоа аҳли маҳаллий хом ашё: порланд — оқ цемент ҳамда мрамар кукунни қўшилмасидан сифатли, харидорбоп манзарали плиткалар ишлаб чиқармоқда. Бунда албатта, Италия давлатидан келтирилиб ўрнатилган замонавий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланилмоқда.

Корхона маҳсулотлари ҳозирги кунда Тошкент Давлат шарқшунослик институти, «Toshkent-Plaza» савдо уйи, «Автотеххизмат» фирмаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг ўқув даргоҳлари каби кўркем биноларни безаб турибди.

Шунингдек, корхона тadbиркорлари бир неча йиллардан буён Қозғистонга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда. Остона шаҳрида савдо уйи фаолият юритмоқда. Яқинда эса россияликлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди.

Бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Тинимсиз изланиш, ички бозорни чуқур ўрганиш ва янгиликларни иттилош туфайли ҳам «STONE»чилар рақобатбардош маҳсулотларини экспорт қилишни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

### САФЛАРИ

### КЕНГАШИМОҚДА

Юртимизда йилдан йилга хусусий тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлиги эътиборга молик. Айниқса, уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этиши қувонарли ҳол. Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Райхона Қурумбаева ҳам шулар жумласидандир.

Анча йиллардан буён пухта ўйлаб юрган тадбиркорлик режаларини амалга оширишга астойдил интилдими, — дейди «Райхона-дона» хусусий фирмаси директори Райхона Қурумбаева. — Айниқса, қўллаб-хотин-қизларни иш билан таъминлаганим мени мамнун қилади. Бундан ташқари мен вилоятлардаги ёшларга махсус дастурга кўра пардалар дизайни курси бўйича таълим бераман. Бу эса энг сеvimли машғулотим.

Бугунги кунда «Райхона-дона» фирмаси жамоасининг касбига меҳр қўйган моҳир дизайнерчи, малакали тикувчилари хорижий каталоглар бўйича элита усулида тикиладиган пардалар, ётоқхона учун хорижийдан ҳечам қолшмайдиган комплектларни тайёрлаб, энг нозиктаб мижозларни ҳам мамнун этмоқдалар.

Доимий изланиш, янгиликка ўқлик тадбиркорни ташаббусларга бошлайди, худди шу хусусиятлар Райхона опани янги маҳсулотлар яратиш — замонавий кийимлар тикишга ундаган бўлса ажаб эмас. Фирма маҳсулотлари доимо мижозлар диққат-эътиборида эканлиги тадбиркорнинг тўғри йўлдан бораётганидиган далолат.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Хар сафаргидек бу йил ҳам "Трамвайчи" болалар оромгоҳида ўқувчилар ёзи кўнгидагидек ўтади. "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компаниясига қарашли бу сўлим боғда янги мавсумга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

**Тараддуқ**

**ЯНГИ  
МАВСУМГА  
ҚИЗГИН  
ТАЙЁРГАРЛИК**

Шуниси эътиборга лойиқки, бу жараён асосан ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Компаниянинг қатор корхоналари ҳам ўз амалий ёрдамларини беришмоқда.

"Интертранссервис" кўшма корхонаси ҳам ҳиммат кўрсатди.

"Темирйўлчи"да куриладиган янги павильонларни тиклашни корхона ўз зиммасига олди. Бундан ташқари корхона ёрдами билан бу ерда янги кутубхона биноси қад кўтармоқда.

Тошкент метрополитени жамоаси оромгоҳдаги ёзги ошхона, ёрдамчи хўжалик биносини таъмирлашга яқиндан бош қўшади.

Оромгоҳни янги мавсумга тайёрлашга 2-троллейбус саройи, 3-трамвай-троллейбус депоси ҳам ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Анвар **ФАНИЕВ**

**Мажлис**

**ПОЙТАХТ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА**

Кейинги йилларда пойтахтимизнинг гуллаб-яшнаши, равиқ топиши борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Равон, кенг кўчалар, муазам бинолар, маҳобатли кўприклар, хиёбонлар ва боғлар барпо этилди. Буларнинг барчаси шахримиз келажакни белгиласа, бошқа томондан баъзи бир экологик муаммоларни бартараф этишга имкон яратди.

Бироқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг охириги сессиясида таъкидланганидек, пойтахтимизда бир қатор ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Кўп қаватли уйларни бошқариш, уларнинг санитария аҳволини талаб даражасига келтириш, уй атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш шулар жумласига киради.

Куни кеча «ЭКОСАН» халқаро ташкилотидида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида билдирилган танқидий фикрларни инобатга олган ҳолда шахримизни янада обод қилишга қаратилган «Менинг уйим - менинг шахрим» кўрик-танловининг тақдими, шунингдек «Тошкент экологияси: жамоатчилик иштироки» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси вакиллари, «Маҳалла» жамғармасининг раҳбар ва фаоллари, Тошкент шаҳри туманларидаги маҳаллаларнинг оқсоқоллари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуф Шодиметов кириш сўзи билан очар экан, Тошкент шаҳри ҳудудида олиб борилаётган кенг кўламда

курилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўп қаватли уйларнинг санитар аҳволини яхшилаш, кириш йўлақларини, томларини, коммуникация тармоқларини капитал таъмирлаш ишларида кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиш, юқоридаги ишларни амалга оширишда аҳолининг иштирокини фаоллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Сўнг сўз «Менинг уйим - менинг шахрим» танлови ҳусусида борди. Шунга айтиш керакки, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида билдирилган танқидий фикрларни инобатга олган ҳолда, «ЭКОСАН» Халқаро ташкилоти, республика «Маҳалла» жамғармаси, «Ўзбекистон овози» газетаси ва «Тошкент» телеканали ҳамкорлигида «Менинг уйим - менинг шахрим» кўрик-танловини эълон қилди.

Мазкур кўрик-танлов эндиликда ҳар йили 3 босқичда, яъни «Энг намунали йўлак», «Энг намунали кўп қаватли уй», «Энг обод ҳовли» доирасида ўтказилади. Голиблар Наврўз умумхалқ байрами, Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофазига қилиш куни ва Ўзбекистон Мустақиллиги куни арафасида эълон қилинади ҳамда қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланади.

Гулчеҳра **ДУРДИЕВА**

**Мажлис**

**ҲАМОН  
ИЖОДИЙ  
ИЗЛАНИШДА**

Бугунги кунда дизайн санъати меъморчиликда ҳам кенг қўлланилмоқда. Айнан шу ижодий жараён малакали ёш мутахассислар тайёрлашда кўл келмоқда.

Тошкент архитектура курилиш институтидаги "Архитектуравий мухитлар дизайни" кафедраси ана шундай иқтидорли талаба ёшлар учун асосий ўқув марказига айланган қолди. Бу ерда меъморчилик дизайни соҳасида бой тажриба орттирган педагоглар ҳам бўлгуси архитекторларга устозлик қилишмоқда.

Кафедра профессори Тўлқиний Қодирова ҳам шулардан бири ҳисобланади. Бу танқидий архитектор кўллаб ноёб меъморий лойиҳалар муаллифи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон архитекторлар уюшмасининг раиси сифатида катор йилри ижодий ишларни амалга оширди.

Профессорнинг Архитектуравий мухитлар дизайни мутахассислиги бўйича яратган ишлари шу йўналишда таълим олаётган талаба ёшларга қўллана бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозир олимпиада янги ўқув адабиётлари устида ишламоқда.

**ВАСИЙЛИК**

**КЕНГАШЛАРИ**

Мақтаб билан ота-оналар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадларида таълим муассасаларини кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги васийлик кенгашлари ташкил этилди. Бундай хайрли ишга пойтахтимизда биринчилардан бўлиб Юнусобод туман халқ таълими бўлими киришди.

Тумандаги 260-мактабда олиб борилган тажриба-намуна ишлари ўзининг ижобий натижасини берди. Тарбияси оғир болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, маҳалла қўмитаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ҳомий ташкилот ва юридик шахслар билан амалий ва қонуний муносабатларни ўрнатиш борасида эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди.

Эндиликда орттирилган бу тажрибалар тумандаги бошқа билим ўқувларида ҳам ота-оналар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда васийлик кенгашлари асосида фаолият юритиш учун кенг йўл очиб берди.

**НУФУЗЛИ**

**БИЛИМ  
ДАРГОҲИ**

Қарий ўш йиллик тарихга эга бўлган Европанинг нуфузли иқтисодий ва илмий марказларидан бири ҳисобланган Россия иқтисодий академияси жойларда ўзининг бир неча ўқув шохобчаларига эга. Академиянинг Тошкент шохобчаси ҳам маҳаллий ёшларнинг билим олишлари учун яратилган қўлайлик сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бу билим даргоҳи мамлакатимизда чет эл олий ўқув юр்தларининг биринчи шохобчаси ангилг ташкил топди. Толиби илмларнинг жаҳон андозаси даражасида чўқур билим олишлари имконини берадиган ўш шохобчада "Бизнес ва ишбилармонлик" деб номланган кафедра ҳам очилган. Республикаимизда ягона бўлиб ҳисобланган мазкур кафедра иқтисодий йўналишда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Битирувчиларга бериладиган диплом ЮНЕСКО ташкилоти комиссияси томонидан сертификат қилиниб, чет мамлакатларда қўшимча ҳужжатларсиз бирдек тан олинади. Ўзининг ўн йиллик санасига тайёргарлик кўраётган бу ўқув даргоҳи бундан кейин ҳам кўллаб малакали ёш мутахассисларни тайёрлайди.

Акбар **АЛИЕВ**

**Хунари ғазаллар**

**КЕЛГУСИДА УНИ ДУНЁ  
ТАНИЙДИ**

Аёллар хуснига-хусн кўшувчи заргарлик буюмлари ўзининг ясалиш услуби, нозиклиги, жилоси билан қадимдан то ҳозирги кунга қадар уста заргарлар томонидан сайқалланиб келинган. Хунарманддан чидам, сабр ва матонатдан ташқари ўзгача бир меҳрни талаб этувчи ўшбу заргарлик иши билан шуғулланган инсон ҳаётга ўзгача кўз билан қарайди. Табиат нозикликларини тез йилга олувчи ва гўзалликни ўзи ясаган буюмларида акс эттиривчи заргарлар меҳнати, албатта диққатга лойик.



Ҳозирда ёш бўлишига қарамай ўзбек миллий анъанавий йўналишида ижод қилаётган заргар уста Мухсин Дадамухамедовнинг устахонасида бўлганимизда у ясаган буюмларни кўриб, юқоридаги сўзлар нечоғлик тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Гўзаллик дунёни кутқаради, деган ибора бежизга айтилмаган. Ёш хунарманд сеҳри ва меҳри билан яратилаётган

рени фарзандига ўргатиб келмоқда.

— Отам менинг биринчи устозим, — дейди Мухсин Дадамухамедов. — Ўшбу хунарга эсимни таниган пайтларимдаёқ меҳр кўйганман. Болалик чоғларимда отам устахонасида тинимсиз бўлганим боисми, балки ота қонидан менга ўтиб, юрагимга жойлашганими, бу хунарга меҳрим ўзгача.

Мухсин хунар сирлари фақат амалда эмас, назариётда чўқурроқ очишлигини англаб етгани боис 2002-2004 йилларда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг санъатшунослик факультетини тамомлади.

— Ижодий ишларимда асосан мелхиор, мис, латуны каби металллардан фойдаланаман, — дейди сўзини давом эттирар экан ёш хунарманд. — Зирак, узук, ханжар, шунингдек, турли тақинчок буюмлари ва уй жиҳозларигача буюртмага қараб ясайман ва ўзбек миллий анъанавий йўналишини ўшбу буюмларга сингдиришга ҳаракат қиламан. Мазлумки, авлоддан-авлодга ўтиб келётган заргарлик санъатидаги миллийлик йўғрилган тақинчоклар ўзига хослиги билан бошқалардан ажралаб ту-



нафис заргарлик буюмларидаги гўзалликка кўз ташлаган ҳар қандай инсон бундан беихтиёр завқланиши табиий. Биламизки анъаналар, қадриятлар секин-аста авлодларга мерос бўлиб қолгани сингари фарзандларга ота касби ва хунари ҳам мерос бўлиб ўтиши айни ҳақиқат. Ҳозирда қаҳрамонимиз Мухсин Дадамухамедовнинг отаси Ўзбекистон халқ устаси Фасиҳиддин Дадамухамедов ҳам ўз хунари сирла-

ради ва ўшбу йўналишда ишлаш менга завқ бағишлайди. Ҳозирда замонавий ва Европа заргарлик усталарининг ижодий ишларини ҳам ўрганиб келмоқдамки, бунинг самараси келгусида ясаган буюмларимда акс этади деб ўйлайман.

Бугунги кунда нозик сим, ўймакорлик, эмаллаш, қорайтириш техникаларида эркин ижод қила оладиган Мухсин Дадамухамедов ишлари бир неча кўргазма ва бадий салонларда сотувга чиқарилади. Шунга алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 2002 йил январда Мисрда ва Германиянинг Триер шаҳрида қаҳрамонимиз ясаган буюмларининг бир ойлик кўргазмаси бўлиб ўтган. Бир неча халқаро кўргазмаларда, шунингдек, халқ амалий санъати усталари кўргазмаларида «Энг ёш истеъдодли кўргазма қатнашчиси» дипломини кўлга киритган. Мухсин Дадамухамедов ишлари алоҳида эътиборга олинганлиги сабаб 1999 йил «Мис-Ўзбекистон» гўзаллик кўрик-танлови голибига у ясаган тож кийдирилди. «Ташаббус-2003» кўрик-танловида ҳам Тошкент шаҳар миқёсида фахрли иккинчи ўринга муносиб деб топилди. Бу раббат эса уни изланишга, янада нафис ва сержилло безак буюмлари билан одамларга завқ бағишлашга ундаши, табиий.

**Орзуғул РУСТАМОВА**  
**СУРАТЛАРДА: Мухсин Дадамухамедов ўзи ясаган буюмларини намойиш этмоқда; хунарманд иш жараёнида.**





# Оила даврасида

## сўҳбатлар

Йўлимиз кесиб: ҳар кўни сокин қабристон ўртасидан шунақа сўқмоқдан катта кўчага чиқамиз. Тунов кўни шу жойдан ўтаётиб бир йилгити учраб қолдим. У қабр устига тиз чўқачица нола қиларди. Айрилиқ азобида қоврилаётган бу йилгитга тасалли берган бўлдимда, кими қазо қилганини сўраб-суриштирдим.

— Сўраб дардимни янгиламанг, отахон, - деди у овози титраб.

Орамага қайтиб қабристондан чиқаётсам у менга етиб олди. Йилгитни чапгити учун атайлаб тўғридаги тахта ўриндиққа бориб ўтирдимда, уни ҳам бир зум ўтириб хордик чикаришга таклиф этдим. У ёнимга ўтирдию, сўз бошлади.

— Билиб турибман, менинг ташвишли ўтмишим билан қизиқиб қолдингиз.

— Кўнглингизни ёвсангиз балки бироз енгил тортарсиз.

— Майли эшитинг, — деди ҳамроҳим оғир ҳўрсиниб.

Бугун вужудим қўлоққа айланган.

...Улар катта орзу-хавас билан турмуш қуришди. Тинч-тотув яшади. Кўнлар бир-биридан ширин ва мазмунли ўтди. Ёш оила никоҳ кўнининг бир йилгитини тантанали нишонлади. Икки сўнг уч, тўртинчи йиллик ҳам ўтди. Бешинчи йил нишонланганидан кўн эр ҳам, хотин ҳам нимадандир безовталанишар, кўнгилирини нимадир кўмсар, оилага бир нарса етишмаётгандек эди. Шунинг учун икковлари маънос ва дилгир эдилар. Ҳа, оилада фарзанд йўқ эди. Улар айнан шу кўни, шу дақиқада буни юракдан ҳис этишар, лекин бу ҳақда бир-бирларига оғиз очишга сира-сира ботина олишмасди. Шу бир оғиз сўз билан юракларига озор беришдан қўрқарди.

Бирок, эскирган ил ҳар қанча авайланса барибир эзиларкан. Айниқса бу кўнлар Адолат учун оғир эди. У ўт-олов ичиде ёнади. Ёнаридо, буни Қодиржонга билдирмасди. Тўғрироғи, у эрининг ўзи каби ёнишини истамасди. Шунинг учун ҳар кўни унга қалбидан қандайдир бир илиқлик бахш этишга интилар, лекин кўнлар ўтгани сари қалбидеги ана шу илиқлик тугаб бораётгандек эди. Қодиржоннинг дарди ҳам Адолатникидан кам эмасди. Лекин севдирмасди, сиртига юқтирмасди. «Нима қилиш керак?». Мана шу савол эр хотиннинг ҳаёлида кеча-кўндуз чарх урарди. Ниҳоят бу саволга Адолат жавоб топгандек бўлди.

Бўлди-ю, қалби ларзага келди. Наҳотки шунча йил яшаган, ақалли, бирор марта сенга тиз қарамаган шундай беозор эрдан, бу аҳил оиладан бир умр ажралиб қолса? Аммо начора. Адолат Қодиржон учун, унинг келажиги учун жонини фидо қилишга ҳам тайёр. Нима қилсинки, баъзан ҳаётда кўнгили истагига қарши боришга ҳам тўғри келарканда.

«Агар мен унинг бирор қимматбахо буюмини ўғирлаб олган бўлсам, ўзимни ўзини кечиримши мумкин эди. Минг афсуски, фарзанд бўюм эмасда. Ахир мен унинг бахтини, келажигини, қолаверса умрини ўғирлапманку. Шундай экан, қандай қилиб мен ўзимни ўзим оқлашим мумкин. Ўзининг бахтсизлигинга бировни шерик қилиш, ғуноҳсиз кишини жиноятга судраш билан баробарку. Бирок, ажралиш учун ҳам арзиғулик баҳона топиш керакда. Ана шу баҳона ўлғур топилмасе нима қилай? Бир қарашда сени тушунадиган беозор, дилқаш кишининг қалбига тўсатдан

ниш уриш ҳам инсофдан эмас-да».

Адолат ички тугён азобидан тўлганар, кўнлар эса бир зайилда бир-бирини қувиб ўтарди. Аёлнинг қалби соат сайин ларзага келар, бу азобдан кутулиш йўлини излагани сари баттар эзиларди. «Бас, энди шунча чидаганим етар. Шу бугун масалани ҳал қиламан».

Бу сафар Адолатнинг аҳди қатъийлашди. Худди шу кўни Қодиржоннинг ширакайф кириб келиши Адолатнинг ҳали тўла пишиб етилмаган режасини фақуллода аўлага оширишга имкон яратди-қўйди. Эр хотиннинг аламли қўла-рига тикилди. Тикилдию, қўлимшини лаънатлади. Ҳаёлига келган «ундан кечирим сўраш керак» деган фикрни Адолатнинг икки оғиз сўзи айқаш-уйқаш қилиб юборди.

— Жонимга тегди бундай турмуш, кўн ора ичкилик, икки кўнда бир улфатчилик, бунинг устига ҳар кўни алламаҳалда ишдан келасиз. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю, шунча чидадим, энди бас. Кетаман. Бу ўйдан бутунлай кетаман.

Қодиржоннинг миясига қон тегди. Бу нима —

# ВИЖДОН АЗОБИ

## БЎЛГАН ВОҚЕА

яхшилиққа ёмонлиқми? Ҳурмат ва садоқатга тўғрилими? Хотинини дилдан севгани учун фарзандсизликка ҳам, одамларнинг орқаваротдан отаётган таъна-маломатларига ҳам чидаб келаётган эрга шўнчалик адолатсизлиқми?

Шу кўни Адолат Қодиржонни ранжитди. Ранжитдигина эмас, балки узок йиллардан бери авайлаб-асраб келётган муҳаббатини, қалбини, гурурини чил-парчин қилди.

Қодиржон даҳшатдан гўнг ва лол бўлиб қолган эди. На ярим кечада уйни тарк этаётган хотинига, на онасининг зору нолазарига эътибор берарди. «Майли, кетса кетаверсин, — ўйларди у, — эрининг, севгининг қадрига етмаган хотиннинг боридан йўғи».

Йўқ, Қодиржон янгилишган экан. Буни у эртасига ҳис қилди. Булар иш бўлиб бўёғи кўнганда севдию, ич-ичдан эил кетди. Адолатга жуда-жуда ўрганиб қолган экан. Бугун вужуди хувиллаб, ўртаниб қолди. Хар қадамда, хар ишда Адолатнинг ўрни сезилиб турди. Қани энди Адолат ҳозир олдида бўлса, Қодиржон ҳамма-хаммаси учун ундан тиз чўқиб кечирим сўраса.

Гоҳ гўғур устун келиб, гоҳ паст тушиб турган кўнларнинг бирда Адолатдан келган икки энлиқ ҳал ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборди. Мақтубда Адолат ўзига вафодор, ичмайдиган ёр топангани ёзган эди.

Қодиржон гўё ўзини устидан бир челақ совуқ сув қўйилгандек ҳис этдию, қалби нафратдан музлади-қолди. Тавба, шунча йил яшаб хотинининг бу қадар енгилтақлигини сезмаган бўлса. «Ким билсин, балки ўша вафодор ёрига бўлган севги си мен билан яшаб турган вақтларда қуртак ёзгандай». Ҳаёлига чакмоқдек ўрилган бу фикрдан йилгитининг юрак-барқи эзилди кетди.

Ҳаётда ҳеч бир нарса изсиз қолмас экан. Адолатнинг адолатсизлиги йилгитининг қалбини яраляб, сочларига бевақт қиров ташлаб кетди. Яхшиямки атрофинда қўқилганинда дувёчи, ақлли доно одамлар бор. Улар ана шундай оғир вақтларда сенга ёрдан қўлларини чўзишади, оқил маслаҳат бериб, кўнглингни кўтаршади. Қодиржон билан бир қорхондада ишловчи Санобар исми бир қиз ана шундайлардан бўлиб қикди. Улар ўртасида бошланган ўзаро сўхбатлар тобора қизгин тус олар, икки ёшни беихтиёр бир-бирига яқинлаштирарди. Ана шу яқинлик самимий

дўстликка, кейинчалик муҳаббатга айландию, йилгит билан қизнинг тақдир илларини бир-бирига боғлаб қўйди.

Оилада биринчи фарзанд туғилди. Хотин ҳам, эр ҳам бахтиёр эди. Айниқса бу бахт Қодиржон учун қадри бўлди. Ахир у бунга осонликча эришдим, озмуноча сўқмоқлардан ўтдимми?

Шундай кўнларнинг бирда Қодиржоннинг қўлига Адолат ёзган кичик бир мактуб етиб келди. «Фарзанд кўргангизни эшитдим. Табриклиман сизни. Гарчи бу бахт менга насиб бўлма-сада, ўзимни бахтиёр ҳис этдим... Ҳурмат билан Адолатингиз».

Хат, унинг мазмуну йилгитининг ҳаёлини олис-олисларга етаклади. Адолат билан кечган ширин оғилар кўз-ўнгидан бирма-бир ўтди. Сўнг охири кўни, Қодиржон ҳаётда энг оғир ва унутилмас бўлиб қолган ўша туғни эсладию, қўлидаги мактубни беихтиёр гижимлаб, йиртиб ташлади.

«Энди ақлинг кирдимми? Энди менга бахт тилаб қолдингми? Кўзинг энди очилдимми? Ёки тил-ёғламалиқ қилиб, яна мени ўзингга ром этмоқчимисан? Йўқ».

Қодиржон туғини бутунлай тескари қилди. Ана шу ўжарлиги унга қанчалик қимматга тушишини, бу қилмиши учун кейинчалик ўзини умрбод лаънатлаб юришини, виждон азобида қоврилишини ўша дамда у қаердан билсин? Агар билганида шундай қиларидми? Уни деб ўз умрини ҳазон қилган шундай дилбар ва покиза аёл олдида умр-бод ғуноҳкор бўлиб қоларидми?

Адолатнинг касалхонада ётганини била туриб, ақалли бирор марта хабар олмади. Хабар олмади эмас, у: «Ниятим сизни бир қўриш» деб хат ёзганида, «Қодиржон келсин» дея яқинларидан илтижо қилганида, тик этса эшик пойлаб, зор-интизор бўлиб кутганида ҳам Адолатнинг олдига бормади. Ахир бағритошлик шўнчалар бўладими? Сени жондан севган матсулма аёлга иззат-ҳурмат шуми? Сенинг бахтингни деб ўз бахтидан кечган инсонга муносабат шуми?

Адолатнинг ўлими Қодиржонни даҳшатга солди. Айниқса унинг сўнгги мактуби йилгитининг жон-жаҳонини ўртаб юборди.

«Минг шўқрки, оламдан ёруғ юз билан кўз юмапман. Мақсадим мен оғриқиб кутган, лекин ниятигма етди олмаган фарзанд висолидан сизнинг баҳраманд бўлишингизни кўриш эди. Орузим амалга ошди. Ҳаётим сиз билан равшан эди. Лекин бу нурни ўзим атайлаб сўндирдим. Илтимос, бунинг учун мени қойманг. Чўнки шундай қилишга мажбур эдим. Виждоним, маслағим шунга ундади мени. Зеро, бундан бошқача йўл тутишга ҳақ-ҳуқуқим йўқ эди. Ўзимнинг бахтсизлигимга сизни шерик қилишим инсофу адолатдан бўлмасди. Шунинг учун мажбуран мен учун энг эзиз, мўътабар бўлган уйни, умрим машъали бўлган сизни ташлаб кетдим. Ўша кўнлардаги чеккан азобларимни билсангиз эди, йўқ, сиз буни тасаввур қила олмайсиз. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ҳаётда сиздан бўлак ҳеч кимни севмаганман. Ўз севгимни тоғдим деб ёзган мактубим эса мендан кўнглингизни совутиш учун атайлаб тўқилган бир уйдирми эди. Сизни деб, бахтингизни деб ҳаммасига чидадим. Лекин кўзи тўрт бўлиб сизни пойлаган мендек бир фарибнинг холидан хабар олмаганингизга чидай олмадим. Сўнгги орузим сизни бир қўриш эди. Афсус, бу менга насиб этмади. Кўнглингизга заррача озор берган бўлсам кечиринг. Сизни қаттиқ севувица Адолат».

...Қодиржон икковимиз анчагача жим қолдик. — Ана энди менинг қимилгини тушунаганидирсиз, — ҳамроҳимнинг хирилдоқ овози орадаги жимликни бузди. — Ўша шафқатсиз қилмишим учун виждон азобида қийналиб юрирман. Энди бу азоб мени умр бўйи тарк этмаса керак. Айтинг, қандай қилсам бу азобдан қутуламан?

Индамадим. Очигини айтсам, шу дамда уни юпатиш, унга тасалли бериш учун бирон бир сўз топиш мен учун амри маҳол эди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

### Шарқ дурдоналари



● Унутмагинки, таъмаси кўп кишининг инсофи оз бўлади. Таъмагир ўзи учун келаётган ҳалокатни ўзи билмайди. Пасткаш одам бирор кимсане севса у қўрқанидан севди ёки таъмагирликдан.

● Ҳикмат. Қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат.

Байт:  
**Қаноат айлагин, эй хушёр киши, Қаноат роҳатдан беради нишон!**

● Айтишларича бир оқил йилгит ҳақида қўйидагича ҳикоя қилишар экан. У дўстлари билан ҳамшиша улфат, улар билан доимо ҳамдаму ҳамсўхбат экан. Йилгит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас, қўлидан келганча яхшилик қилар эди. Тилидан эса қўйидаги шеърни тараннум қилгани қилган экан:

**Бугун қўлда бор экан йилгитликнинг даврони,**

**Файрат қил, огримсин сандан ҳеч кимнинг жони!**

**Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди,**

**Бир кун нуқсон етару пайдо бўлар ҳазони!**

Унинг хулқи ва одоби туфайли барча киши унинг ҳўзурида бандалик камарини боғлаб, хизматида хозирму нозир экан.

● Фаридуддиндан сўрадилар: — Одамларни ўзингдан узоқлаштирмаслиқинг чораси нима?

У деди: — Чидама ва мулоиймлиқ!

Яна ундан сўрадилар: — Мушкул нарсаларни қандай ҳал қилса бўлади?

У яна: — Чидама ва мулоиймлиқ билан, — деб жавоб берди.

● Дўстларга ҳеч қачон озор берилмайди. Душманлар билан муомала қилинганда эса ақл ва инсоф чегарасидан чиқмаслик керак.

● Агар киши эҳтиром ва эътибор гавхарини қидирувчилардан бўлса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар ақинча эътибор тамгасини нафс итинг буйнидан олиб, гадолар каби қўлини очиб, ўткинчиларга таъма кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айлиниб қорин тўйдириш пайда бўлса, яхшиси оғру тилашни бир чеккага йилгитириб, тиланчилик қилгани маъқул.

● ҲИҚМАТ. Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўқин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

● Бир киши олдинга келиб, бировни ғийбат қилса, уни рост айтаяпти деб ўйлама. Балки уни бу фельдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва фельдан ҳазар қил!

● ҲИҚМАТ. Сўқрот ҳаким айтди: — Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор!

Байт:  
**Зулм асосига қурилган бино Ғазаб оташидан вайрон бўлажак!**

● Ошқор айтилган таъна кўнгида яширилган гинадан аяши.

Соат тўнги ўш икки ярим. Ақмалжоннинг дадаси яна ичиб келди... яна тўс-тўполоб...

Ақмалнинг онаси анча чидамай, сабаби ўзи хохлаб, севиб турмуш қурган. Дадаси онасини неча мурутбаба аямай урса ҳам овоз чиқариб йилғамайди.

# НИМА ЯСАЙМИЗ?... КАТРА

— Йўқ, улар барибир гапга кирмайдилар! ... Унда, сочлари оқариб кетмайдиган ойи ясаб бера қолинг.

Эртаси кўни ўйчан ўтирган Ақмалжонни машғулот ўтаётган боғча нараси сўхбатга тортиди.

— Ақмалжон, нега ҳеч нараса ясамайсан? Қўйналаетган бўлсанг кел, бирга ясаймиз. Қани,

● нима ясамоқчи-сан? ● — Боғча ● она! ... ичиб кел-майдиган дада ясай олмасини?! ●

— Мен оймиларни чиройли бўлиб юришларини жуда-жуда хоҳлайман, — деб у ҳам овоз чиқармай йилғаб юборди.

Рамизда ЖАМОЛ ҚИЗИ

# ТУРФА ОЛАМ

Гарбий Африкада бизнинг кабутарларга ўхшайдиган, лекин ранги жуда ёрқин бир қўш яшайди. У яшил, кўк, сариқ ва қизил бўлиб товланади.

Бирок тўрако (қўшни шундай аташади) сувда ёки ёмғир тагида қолиб кетди дегунча, худди ёмон бўлган газламага ўхшаб, ранглари ўча бошлайди. Айниқса, қизил бўёқ тез ўчади. Шунинг учун ҳам об-ҳавонинг қуруқ ва ёмғирли келишига қараб, қўшнинг ранги хилма-хил бўлиб туради.

Австралияда ерга тушмай, бутун умри бўйи даррахт устида яшайдиган кенгурулар ҳам бор экан.

Америка боғларида ҳаёт кечирадиган шундай бир шиллиқ курт борки, табиат сахийлик қилиб унга 14175 та тиш берган.

**Спорт**  
**СУЗУВЧИЛАРИМИЗ**  
**МУВАФФАҚИЯТИ**

Республикада спортнинг энг нафис ва чиройли турларидан бири — синхрон сузиш тобора ривожланиб бормоқда. Буни мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътиборнинг меvasи, десак аздамаймиш.

Фикримизни уч кун давомида бўлиб ўтган Таиланд очик чемпионати мусобақалари яна бир қарра исботлади. Унда мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этди. Фолиб ва совриндорларнинг аксарият қисмини шахримиз вакиллари эгаллаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли.

Жумладан, «Сеньёр Соло» дастури бўйича энг етакчи спортчиси Дарья Мохжаева, «Соло» дастурида Анастасия Здрайкувская (иккови Тошкентдан) олтин нишонларни қўлга киритишди.

Жуфтлик бахсларида Динара Ибрагимова (Тошкент) ҳамда Анастасия Здрайкувскаялар хурмат шохупасининг энг юқори погонасидан ўрин олишди.

Бундан ташқари Динара Ибрагимова яна биттадан кумуш ва бронза, Фотима ва Зухра Умарбоевалар (Тошкент) жуфтлик бахсларида кумуш, Анастасия Здрайкувская яна бир бронза, Наргиза Сиддикова (Гулистон) ҳамда Надежда Хушод (Фаргона) бронза медалларининг соҳиблари бўлишди.

Юрдошларимиз жами учта олтин, иккита кумуш ва 4 та бронза нишонларига эга бўлган ҳолда юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

**«ТУМАРИС-СКИФ»**  
**— ЎЗБЕКИСТОН**  
**ЧЕМПИОНИ**

Волейбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бахслари ниҳоясига етди.

Сўнгги тур уррашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Тумарис-СКИФ»—«Хоразм-коллеж»—3:0, «Иқтисодчи» (Наманган)—«Университет»—3:0, «Иқтисодчи» (Самарқанд)—«Бухорий Шариф»—3:1, «Шифокор»—«Е-мой»—3:0.

Шундай қилиб, чемпион бўлишди бундан бир неча тур аввал маълум бўлган бўлса-да, шахримизнинг «Тумарис-СКИФ» жамоаси 56 очко жамгарган ҳолда янада мустахкамланиб олган ҳолда голиблар сафини бошқарди.

Чемпиондан етти очко ортда қолган Самарқанднинг «Иқтисодчи» жамоасига кумуш нишонлар насиб этди.

44 очко жамгарган Наманганнинг «Иқтисодчи» жамоаси бронза медаллари билан тақдирланди.

Чемпионат натижаларига кўра мутахассислар турнирнинг энг яхши ўйинчиларини ҳам аниқлашди. Қувонари томони шундаки, иккита йўналиш бўйича энг кучлилар шахримизнинг «Тумарис-СКИФ» клуби вакиллариридир. Жумладан, Полина Сборовская чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинган бўлса, Евгения Шмитовага «Энг яхши боғловчи»га соврини насиб этди. «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси бўйича Мухайе Раazzoкова («Иқтисодчи», Наманган) барча даввогарлардан устун келди.

(Ўз мухбиримиз)

10-74/2001 реестр рақамли бўлган Шайхонтохур туман, Беҳзод кўчаси, 15-уйда жойлашган савдосотик магазини бино-кадастр ҳужжатлари суд қарорига биноан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Музейларда**

**ОСОЙИШТА ҲАЁТНИ ТИКЛАБ**

Юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.

Жойларда иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳамда ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказилиб, уруш майдонларида мардонор ҳалок бўлган, ватани учун жонидан кечган ватанпарвар жангчиларимиз хотираси тикланмоқда, улар ҳақида янги тушунчалар, маълумотлар берилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Россия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Америка Қўшма Штатлари элчихонаси, Белоруссия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамкорликларида Замонавий санъат марказида «Осойишта ҳаётни тиклаб» деб номланган ҳужжатли-бадиий кўргазма очилди.

Кўргазмада 600 га яқин Ўзбекистон музейлари тўпламларидан жумладан, Бадиий кўргаз-

малар дирекциясининг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари, Ўзбекистон Давлат Тарихи музейининг ҳужжатли-фото манбалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий Давлат архиви, Тошкент шаҳар архиви, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар Марказий музейи, Ангрэн шаҳар Улкашунослик музейи, шунингдек, Ойбек уй-музейи, Мухтор Ашрафий уй-музейи, Фафур Фулом уй-музейи, Тамираҳоним уй-музейи ҳамда Д.Пенсон-Хожаева, П. Чиркина ва бошқа тўпламлардан олинган экспонатлар намойиш этилмоқда. Айрим, ҳужжатли ва кино, фото-фоно манбалар Россия Федератив Республикаси элчихонаси, Америка Қўшма

Штатлари элчихонаси ва Белоруссия Республикаси элчихонаси, Россия хориз маданият маркази томонидан тақдим этилган. Кўргазма экспозицияларида нобъ архив ҳужжатлари, Н. Кашина, Л. Буръ, А. Волков, Ю. Зорькин каби таниқли расомлар томонидан яратилган чизматасвир, хомаки тасвир, плакат каби асарлар намойиш этилмоқда. Фотосуратларда эса Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги турмуши, Ўзбек халқининг меҳнаткашлиги, шу билан бирга уруш майдонларида жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлган қаҳрамонлар ҳақидаги лаваҳалар ўрин олган.

Кўргазма давомида томошабинлар эътиборига 1941-1945 йиллари Тошкент киностудиялари томонидан суратта олинган «Икки жангчи», «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра» ва бошқа кўплаб фильмларнинг намойиш этилиши режалаштирилган. Эътиборли томони шундаки, 25 майга қадар давом этадиган ушбу кўргазмада Замонавий санъат маркази томонидан иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрий қаҳрамонлар ҳақида энг қизиқарли очер яратиш борасида танлов эълон қилинган.

Юлдуз УСМОН

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби хореография бўйича пуллик ўқув дарсларига**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Мумтоз рақс — 9-11 ёшлардаги хореография коллежига ўқишга кирувчилар учун;
2. Ўзбек рақси — 13 ёш ва ундан юқорилар (хореография коллежи «Ансамбль артисти» бўлимига кирувчилар ва рақс билан шуғулланишни хоҳлаган юқори ёшдагилар учун);
3. Эстрада рақси — 12 ёшдан бошлаб (коллежга кирувчилар ва хоҳловчилар учун);
4. Бал рақси — 7 ёш ва ундан юқори хоҳловчилар учун;
5. Шарқ халқлари рақслари — барча хоҳловчилар учун.

Дарсларни хореография соҳасининг етук, малакали мутахассислари ўтишади.

Дарслар соат 17.00 дан 19.00гача ўтилади.

Дарс кунлари тегишли йўналиш бўйича гуруҳ жамлангандан сўнг, бошланади.

Ҳақ тўлаш ҳар ойда амалга оширилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлардан олиш мумкин: 56-24-36, 56-37-13, 56-37-06.

Хореография Олий мактаби манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй (аввалги Педагогическая кўчаси), «Космонавтлар» метро бекати, 11-троллейбуснинг «Хореография Олий мактаби» бекати.

Аризалар сешанба ва шанба кунлари соат 14.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

РЕКТОРАТ



*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр

бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 540 396 сўм.

• Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кири тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм.

• Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5

841 600 сўм.

• Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Пирмухамедов кўчасида жойлашган, умумий майдони 741 кв. метр бўлган А ва Б блоклар. Бошланғич нархи — 19 034 510 сўм.

• «Руслан Шамшадиди» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:  
— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;  
— 1Г 340 П револьверлик токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65.  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
3009 нусхала босилди. Қўғоғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамагн»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишниги мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-маъбада оқшадорлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.